



КЫРГЫЗ РЕСПУБЛИКАСЫ
ОШ МАМЛЕКЕТТИК УНИВЕРСИТЕТИ

Арашан гуманитардык
институтунун
ИЛИМИЙ ЖУРНАЛЫ



Araşan Sosyal Bilimler
Enstitüsü
İLMÎ DERGİSİ

7-8

БИШКЕК / BİŞKEK - 2009

АРСЛОНБОБ ВА ЯССАВИЙ

Нодирхон Ҳасан *

Özet

Arslanbab ve Yeseviyye

Tarihten bilindiği üzere, ilk Türk sufilerinden Arslanbâb, Pir-ı Türkistan Hoca Ahmed Yesevî'nin yetişmesi ve gelişmesinde önemli rolü olan bir şîmadır. Arslanbâb ve Ahmed Yesevî ilişkilerine dair bazı manzum ve menkıbevi kayıtlar dışında, malumatlar çok azdır. Dolayısıyla Arslanbâb'ın tarihî şahsiyetini tespit etmek Yesevîlik araştırmalarında önemli bir konudur. Bu yazımızda bazı kaynak ve araştırmalar sayesinde konuya ilişkin bazı görüşlerimizi açıklayacağız.

Anahtar Kelimeler: Hoca Ahmed Yesevi, Arslanbab, "Divan-ı Hikmet", Türkistan, Hurma, Menkıbe.

Abstract

Arslanbab And Yassawiyya

It is known from history, that Arslanbâb had the important role in education and perfection of Hoja Ahmad Yassawi, which was well-known as Sacred Turkestan. But about Arslanbâb it is not enough data. It is known only some verse and hagiographical data on relations of these two persons. Therefore the given moment will specify the historic figure remains the important task in studying Yassawiyya. In this article on the basis of some sources and researches we have stated some approaches on these themes.

Key Words: Hoja Ahmad Yassawi, Arslanbâb, "Divân-ı Hikmet", Turkistan, Hurmâ, Manqaba.

Аннотация

Арслан Баб и Яссавий

Известно из истории, что турецкий мистик Арслан Баб играл важную роль в развитии и становлении Ахмада Яссавий, который был хорошо известен как святой Туркестана. Однако о Арслан Бабе недостаточно данных. Поэтому в данный момент определить историческую фигуру этого мистика остается важной задачей в изучении Яссавия. В этой статье, на основе некоторых источников и исследований мы заявили некоторые подходы к этой теме.

Ключевые Слова: Хожа Ахмад Яссавий, Арслан Баб, «Дивани Хикмат», Туркестан, Хурма, Манкиба.

Пири Туркистон Хожа Ахмад Яссавийнинг камол топишида Шайх Иброҳим, Хизр алайҳиссалом, Шаҳобиддин Исфижобий, Хожа Юсуф Ҳамадоний каби

* Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Алишер Навоий номдаги Тил ва адабиёт институти.

бир қанча комил устозларнинг хизматлари беқиёсдир. Булар орасида улуғ турк шайхи Арслонбобнинг ўрни ва хизматлари алоҳида аҳамиятга эгадир.

Маълумки, Арслонбоб Аҳмад Яссавийнинг ҳаёти, ижоди ва тариқатида муҳим роль ўйнаган сиймо. Аммо унга оид маълумотлар жуда оз. Арслонбоб ва Аҳмад Яссавий муносабатларига доир нақллар эса асосан манқабавий характерга эга. Шу боис Арслонбобнинг тарихий шахсиятини аниқлаш бугунга қадар яссавийшуносликнинг долзарб муаммоларидан бўлиб келмоқда. Бу ўринда мавзуга доир айрим қайдлар билан ўртоқлашмоқчимиз.

Манбаларда Арслонбоб ҳақида баъзи қисқа маълумотларни учратиш мумкин. Чунончи, Фахриддин Али Сафийнинг «Рашаҳоту айн ил-ҳаёт», Ҳазинийнинг «Жомий ул-муршидин», Ҳасанхожа Нисорийнинг «Музақкири аҳбоб», Олим Шайхнинг «Ламаҳот мин нафаҳот ил-қудс», Муҳаммад Шариф Бухорийнинг «Хужжат уз-зокирин», Шайх Зинда Алининг «Самарат ул-машойих», Ғулом Сарвар Лоҳурийнинг «Ҳазинат ул-асфиё», «Рисола ал-маймуна», Камолиддин Ҳаририйоданинг «Тибён васоил ил-ҳақойиқ», Ҳусайн Вассофнинг «Сафинаи авлиё» каби илмий, тарихий, тасаввуфий ва манқабавий асарларида Арслонбоб номи ҳурмат билан тилга олинади. Мазкур асарларнинг барчасида Арслонбоб ўз даврининг машҳур сўфийларидан бири сифатида қайд этилган. «Сафинат ул-авлиё» муаллифи Доро Шукух (вафоти х.1070/м.1659 й.) эса бу зотни «азими машойихи турк» («турк машойихининг улуғларидан») дея таърифлайди¹.

Ҳасанхожа Нисорий «Музақкири аҳбоб» тазкирасида Аҳмад Яссавий ҳаёти ва халифаларига доир қисқача маълумот берар экан, Арслонбобнинг Хожа Аҳмадга хурмо олиб келиши воқеасини нақл этади. Нақлнинг эътиборли жиҳати шундаки, муаллиф мазкур манқабани ҳақида: «... Бу қисса кўпдан бери тарихларда ёзилиб ва ишончли кишилар тилидан зикр этилиб келинади» дейди ва унинг тарихийлигига урғу беради².

Бизнингча, бу воқеада баён этилган хурмо рамзий маънода бўлиб, Арслонбобнинг Хожа Аҳмадга пайғамбар алайҳиссаломдан мерос қолган илм-маърифатни, дин ва тасаввуф ҳақиқатларини ўргатганлигига ишорадир. Бинобарин, Аҳмад Яссавийни Арслонбобнинг «хизматида мудом бўлиб», ундан тарбия топганлиги, ақида ва сўфиёна қарашлардан сабоқ олганлиги, натижада Арслонбобнинг «кимёи асари ва муборак назари»га тушганлиги борасида барча манбалар ва тадқиқотчилар ҳамфикрдирлар³.

Мусо Сайрабийнинг «Тарихи амния» асарида Арслонбобнинг насаби куйидагича келтирилган: Али ибн Абу Толиб - Имом Муҳаммад Ҳанафия - Абдулфаттоҳбоб - Абдулжабборбоб - Абдурраҳмонбоб - Исҳокбоб - Исмоилбоб

1. Доро Шукух, Сафинат ул-авлиё, Лакхнав, 1862, 76-бет.

2. Ҳасанхожа Нисорий, Музақкири аҳбоб, ЎзФАШИ, № 4282, 269 б.

3. Муҳаммад Шариф Бухорий, Хужжат уз-зокирин, № 4164, 58 б; Рисола ал-маймуна, ЎзРФАШИ, № 3808, 22 а; Ғулом Сарвар Лоҳурий, Ҳазинат ул-асфиё, ЎзРФАШИ, № 8774, 262 а; Али-Аскаръ Калининъ, Ходжа Ахмадъ Ясави // Туркестанские ведомости, № 126, 1906; Муҳаммад Солих Росих, "Девони хикмат"//Андиша, даял, х-ш. 1372, Кобул; Thierry Zarcone, Hindistan'da Turk tasavvufu: Yeseviyye ornepi // Dergah, IV-38, Nisan 1993, s.19, ва ҳоказо.

- Умарбоб - Усмонбоб - Ифтихорбоб - Маҳмудбоб - Илёсбоб - Арслонбоб. Мазкур шажарага таянадиган бўлсақ, Арслонбоб Аҳмад Яссавийнинг амакиси бўлиб чиқади, деб ёзади Ф.Купрули¹.

Арслонбобнинг наслу насаби унинг ўғли, яъни Аҳмад Яссавийнинг илк халифаси Мансур ота (вафоти ҳижрий 594/милодий 1197-98 йил) ва унинг авлодлари - Абдулмаликхожа (вафоти 1218 йил), Тожхожа, Занги ота (вафоти 1258 йил) каби сўфийлар орқали давом этган. Ҳасанхожа Нисорий ҳам ўз наслини бобоси Абдулваҳҳобхожа ва унинг аждоди Сулаймонхожа, Яҳёхожа, Ҳорунхожа, Садрхожа, Занги ота, Тожхожа, Абдулмаликхожа ва Мансур оталар орқали Арслонбоб наслига бориб тақалишини баён этган². Шунингдек, “Жавоҳир ул-аброр” муаллифи Ҳазиний Аҳмад Яссавийнинг халифалари ҳақида сўз юритаркан: «Улар орасида бу фақирнинг отаси бўлган Мансур ота, Аллоҳдан кўрканларнинг раиси, жасур шайх...» дея ўзини Арслонбобнинг авлодидан эканини қайд этади³.

Ҳазинийнинг бундай дейиши бежиз эмас, албатта. Чунки Мансур ота кўпгина адабиётларда Аҳмад Яссавийнинг илк ва пешқадам халифаларидан бири ўлароқ тилга олинади⁴. Лекин Ҳазиний негадир бу асаридан Арслонбобни тилга олмайди. Ундан бир аср кейин яшаган яна бир яссавий издоши Олим Шайх Азизон ўзининг яссавийликка бағишланган «Ламаҳот мин нафаҳот ил-қудс» асаридан эса Аҳмад Яссавийнинг гўдаклик чоғидаёқ Арслонбобнинг назарига тушганлиги, ундан таълим-тарбия олганлиги, у зотнинг тавсиялари билан Хожа Юсуф Ҳамадонийнинг хизматига борганлигини алоҳида қайд этади⁵.

Султон ул-орифин Хожа Аҳмад Яссавийнинг ҳаёт тарихидан маълумки, Сайрамда туғилган, гўдаклигида онасидан, етти ёшида эса отасидан етим қолган ёш Аҳмад опаси Гавҳар Шаҳноз билан Ўғузхон давлатининг пойтахти Яссига кўчиб боришади. Хожа Аҳмаднинг ғурбатлик чоғида Яссига келганлиги ҳақида “Девони ҳикмат”да шундай тўртлик бор:

Ғурбат тегса пухта қилур кўб хомларни,
Доно қилур ҳам хос қилур кўб оmlарни,
Кияр кир тўн, тобса еюр таомларни,
Онинг учун Туркистонға келдим мано⁶.

Бизнингча, сўнгги мисрада дастлаб “бул Яссиға” сўзи бўлиб, кейинчалик у “Девони ҳикмат” муҳаррирлари томонидан «Туркистонға» шаклида ўзгартирилган бўлиши мумкин. Чунки тадқиқотчиларнинг фикрича, Яссавийнинг муборак мақбараси жойлашгани боис бу шаҳарнинг номини кейинчалик

1. Koprulu F. Turk edebiyatında ilk mutasavvıflar, Ankara, 1991, s.61.

2. Музақкири ахбоб, 269-бет.

3. Hazini. Sevahirul-ebrar min emvacil bihar, Istanbul Universitesi Kutuphanesi, no: 3893, v.116 b.

4. Фахруддин Али Сафий, Рашаҳоту айнил-хаёт, Тошкент, 2004, 23-бет; Рисола ал-маймуна, 22 б; Хужжат уз-зокирин, ЎзРФАШИ, № 3707/1, 58 б; Али-Аскаръ Калининъ, Уша мақола; Бартольд В. Сочинения, т. V, Москва, 1968, стр. 119; Ahmed-i Yesevi. Divan-i Hikmet'ten Seçmeler. Naz. Eraslan K. Ankara, 2000, s.383.

5. Олим Шайх. Ламаҳот мин нафаҳот ил-қудс, ЎзРФАШИ, № 495.

6. «Девони ҳикмат», Туркистон нусхаси, 375 а варак.

«ҳазрати Туркистон» деб номлайдилар¹. «Ҳазрати Туркистон» бирикмасидан «ҳазрат»нинг тушиб қолиши натижасида эса Ясси номи ўрнида «Туркистон» атамаси кенг қўлланила бошлайди². “Девони ҳикмат”да ҳам бунга ишора сифатида қуйидагича мисралар бор:

Кул Хожа Аҳмад сўзлагани Ҳақни ёди,
Эшитмағон дўстлариға қолсун панди,
Гурбатланиб (гурбат тортиб) ўз шаҳриға қойта ёнди,
Туркистонда мозор бўлуб қолдум мано³.
Туркистонда ғариб бўлди Кул Хожа Аҳмад,
Онинг учун ҳақ Расулға бўлди уммат⁴,
Бошим безор, ёшим сизор қоним тўзор,
Отим Аҳмад, Туркистондур элим манинг⁵.

«Туркларнинг исломни қабул қилишида катта рол ўйнаган Аҳмад Яссавий (айниқса, Темур томонидан курдирилган муҳташам мақбара билан) турклар юртининг ҳомийси сифатида “Ҳазрати Туркистон” деб аталган, эҳтимол шаҳарнинг (яъни, Яссиёнинг – Н.Ҳ) янги номи ҳам шу билан изоҳланар» деб ёзади бу борада В.Бартольд⁶.

Фазлуллоҳ Рўзбеҳон Исфаҳоний “Меҳмонномаи Бухоро”да «Туркистон элининг маркази, боғларга бурканган, хуш ҳаволи жой... Муслмон оламининг иккинчи каъбаси Хожа Аҳмад Яссавийнинг мақбараси жойлашган шаҳар»⁷ дея таърифлаган Ясси шаҳри бу минтақа аҳолиси тилида фақат «Туркистон» дебгина номланмай, Аҳмад Яссавийнинг кўнгиллар султони бўлганидан келиб чиқиб «Султоним» деб ҳам аталган. Хуллас, Аҳмад Яссавийдан кейин қўлланила бошланган Туркистон шаҳар атамаси бугунга келиб жой номи сифатида мустаҳкам ўрин эгаллади.

Тарихчиларнинг, чунончи, Котиб Чалабийнинг «Жаҳоннома» асарида ёзишича, Ясси Туркистон мулкидаги машҳур бир шаҳар бўлиб, кейинчалик ўзбек хонлигининг пойтахти бўлган. Ёш Аҳмад Яссида сўфийлик таълимотиға бошчилик қилаётган машҳур шайх Арслонбоб билан танишади, унга мурид бўлади. Бизнингча, уларнинг Яссига кўчиб кўчиб келишларига асосий сабаб, Арслонбобнинг у ерда яшаганлигидир.

Хожа Аҳмад «Девони ҳикмат»да илк устози Арслонбоб билан бўлган муносабатлари ҳақида кенг маълумот беради. Чунончи, етти ёшида Арслонбоб билан учрашиб, Ҳақ Мустафо омонати бўлмиш ҳурмони, яъни ислом ва тасаввуф илмларини ундан ўрганади ҳамда «минг бир зикр»ни унинг ҳодийлиги-рахбарлигида адо этиб, юксак мақомларға эришади:

1. Schuyler E. Turkistan Seyahatnamesi. Istanbul, 2003, s.70.
2. Исабек Б. Сайрам, Тошкент, 1994, 18-бет.
3. Туркистон нуҳаси, 375 б варақ.
4. Хожа Аҳмад Яссавий. Девони ҳикмат. Тошкент, 2006, 108-ҳикмат.
5. ЎзРФА Алишер Навоий номидаги давлат Адабиёт музейи, № 178, 210 а варақ.
6. В.Бартольд, Сочинения, том III, Москва, 1965, стр. 520.
7. Фазлуллоҳ Рўзбеҳон Исфаҳоний, Меҳмонномаи Бухоро, ЎзФАШИ, № 1414, 115 б-116 а варақ.

Етти ёшда Арслонбобга қилдим салом,
Ҳақ Мустафо омонатин қилинг инъом.
Ўшал ҳолда минг бир зикрин қилдим тамом,
Ломаконнинг мақомига оштим мано¹.

Етти ёшда Арслонбоб Туркистонга келдилар,
Бошим кўюб йиғладим, ҳолу дилим сўрдилар,
Минг бир отин ўргатиб, манга ҳодий бўлдилар,
Арслон бобом сўзларин эшитингиз, табаррук².

Арслонбобнинг Ҳақ Мустафо тавсияси билан Аҳмад Яссавийга таълим-тарбия бериши хусусида эса Ҳақим ота бундай ёзади:

Субҳон Изим эздурди (буюрди), ул Мустафо буюрди,
Арслон бобом еткурди шайхим Аҳмад Яссавий.
Мустафонинг хурмосин, еди, кийди ҳиркасин,
Тутги Каъба ҳалқасин шайхим Аҳмад Яссавий³.

Арслонбоб ёш Аҳмадга муръони карим маъноларидан ҳам сабоқ беради:
«Инна фатаҳна»ни ўқуб маъно сўрдум,
Партав солди, беҳуд бўлуб дийдор кўрдум.
Муллом уруб «ускут!» деди, боқиб турдум,
Музтар бўлуб, ёшим сочиб турдум мано⁴.

Арслонбоб шогирдига «маъно бўлиш» сирларини ўргатади. Риёзат ва хилват босқичларидан ўтган Аҳмад нафсини тарбиялаши натижасида шайтонни ўзига бўйсундириш мавқеига эришади:

Аё нодон, маъно бўл деб айди, билдим,
Андин сўнгра чўллар кезиб Ҳақни сўрдим.
Рўзи қилди, Азозилни тутуб миндим,
Лангар тўқуб, белин босиб янчдим мано⁵.

Зотан, етти ёшга қадар отаси шайх Иброҳимдан таҳсил олган ҳамда Хизр алайҳиссаломнинг суҳбатларида қалб кўзи очилиб, юксак маънавий ҳолларга эришган ва ниҳоят Арслонбобнинг тарбияси туфайли сўфийлик бобида ҳам камолот чўққисига чиққан ёш Аҳмаднинг номи аста-секин атрофга тарқала бошлайди.

Аҳмад Яссавий ўз ҳикматларида фақатгина Арслонбоб билан бўлган муносабатларини ёритиш билан чегараланмайди. Балки «Арслон бобом сўзларин эшитингиз, табаррук» каби радифли ҳикматларида улуғ устози орқали яссавийлик

1. Адабиёт музейи, № 178, 4 а варақ.
2. Девони ҳикмат, Тошкент 2006, 40-ҳикмат.
3. Девони ҳикмат, шахсий кутубхона, 79 а варақ.
4. Девони ҳикмат, Тошкент 2006, 1-ҳикмат.
5. ўша ҳикмат.

йўлига кирган толибларга сулук қоидаларидан таълим беради. Уларга талаб ва риёзатни тавсия этади. Маъно-моҳиятига етиб-етмай тарикат йўлига кириб қолган сохта толиблар хусусида қимматли насиҳатларини баён қилади:

Толибман деб юрурлар, кўнглида йўқ зарра нур,
Чин толибни сўрасанг, ичу таши гуҳар, дур,
Ҳаққа аён сирлари, тобмишлари сафо, нур,
Арслон бобом сўзларин эпшитингиз, табаррук¹.

Хожа Аҳмад устозини пайғамбар суннатига эътиборли улуг бир саҳоба ўлароқ мадҳ этади:

Арслонбобни сўрсангиз, пайғамбарга эътибор,
Саҳобалар улуги, хос бандаи Кирдикор,
Ётқан ери ноҳамвор, бир козаи хорзор,
Арслон бобом сўзларин эпшитингиз, табаррук².

Аҳмад Яссавийни камолга етказгач, маълум муддат ўтиб, Арслонбоб “бир фурсатда” вафот этади. Унинг таваллуд ва вафот тарихи ҳозирча аниқ маълум эмас.

Куйи Сирдарё воҳасидан топилган ва ҳозирда Туркистон шаҳрида сақланаётган муаллифнома маълум «Насабнома» рисоласида эса Арслонбоб билан ёш Аҳмаднинг илк учрашувлари батафсил ва мароқли бир шаклда тасвирланган. Унда ҳикоя қилинишича, Муҳаммадалайҳиссалом Аҳмад Яссавийга етказишгучун Арслонбобга бир хирқа билан бир хурмо берадилар ва «Тўртинчи халифам ва амакимнинг ўғли Алининг фарзанди Имом Муҳаммад Ҳанафий зурриётидан Хожа Аҳмад Сайрам шаҳрида дунёга келади. Унинг отаси шайх Иброҳим ва онаси Тоғай бибица биби, лақаби Қорасоч онадир» дея башорат берадилар. Омонат хурмони олган Арслонбоб Чаҳортерак вилоятида қирк йил зоҳидликда яшаб, нафсини поклайди. Шундан сўнг Сайрамга ташриф буюради. Хожа Аҳмаднинг отаси шайх Иброҳимни топади, унинг оилавий ҳаёти билан яқиндан танишади. Пайғамбар алайҳиссалом айтган белгиларга қаноат ҳосил қилгач, ёш Аҳмадни сўраб-суриштиради, шунда шайх Иброҳим Арслонбобни синаш учун Аҳмаднинг ўрнига Садриддин шайхни олиб келади. Арслонбоб: «Бу бола малакут ва дин йўлбошчиси бўлғай, аммо биз бопқа ўғлонни изляяпмизки, у ўғлон миллат ва дин эгаси бўлиб, бу икки бола орасида арш билан фарш (ер билан осмон)чалик фарқ бор» дейди. Шунда шайх Иброҳим: «Бир далли-девона ўғлон бор, лекин у сизнинг мактовингизга асло лойиқ эмас., у гоҳо маҳзун, гоҳо хуррам, суврати одамзод, бироқ ҳоли ва қоли ажиб ва ғарибдир», дейди. Арслонбоб шайхнинг бу сўзларини эшитиб, дарҳол Аҳмаднинг ҳузурига боради ва омонат хирқани топширади. Гўдак Аҳмад: «Жисмимнинг маъносини билдирувчи зоҳирий бойликни бердингиз. Лекин қалбимнинг моҳиятини ташкил этувчи соф хазинани бермадингиз? Шу боис мен гоҳ лойдаман, гоҳ сувда, гоҳ ғамгинман, гоҳ хуррам», дейди. Буни эшитган Арслонбоб омонат хурмони ҳам таслим этади... ва Аҳмаднинг ҳақиқа дуо қилади»³.

1. ўша ҳикмат.

2. ўша ҳикмат.

3. Муминов А.К. Кокандская версия исламизации Туркестана (170-221-сатрлар)/ В книге «Подвижники Исла

Мазкур ривоятда ўрин олган ҳазрати пайғамбарнинг ёш Аҳмадга хурмо билан бирга хирка ҳам беришига доир маълумот ҳозирча фақатгина Ҳаким отанинг юқорида қайд этилган шеърда ва ушбу «Насабнома»да мавжуд. Шунингдек, Калифорния университети профессори, тасаввуфшунос олим Ҳамид Алгар ҳам хурмо билан бирга хирканинг ҳам берилиши баъзи ривоятларда қайд этилган, деб ёзади¹.

Арслонбоб сиймосини таърифлаш анъанаси нафақат Аҳмад Яссавий ва Ҳаким ота ҳикматларида, балки яссавия адабий мактабининг бошқа шоирлари ижодида ҳам кўринади. Масалан, “Девони ҳикмат” нусхаларидаги кўплаб сўфиёна шеърлар муаллифи бўлмиш Шамс Осий (Шамсиддин Ўзгандий) Арслонбоб таъриф у тавсифига катта бир дoston бағишлаган. “Ҳақ расулнинг элчиси боблар боби Арслонбоб, Толибларнинг йўлчиси боблар боби Арслонбоб” дея бошланган бу йирик манзумада Арслонбоб пайғамбарнинг севиқли дўсти, муқаддас омонат бўлмиш хурмони “хўб соқлаб”, “эгасига етказган”, “ғозийларни раиси, саҳобалар иниси, хос бандалар муниси”, “шариатда тўғри йўл тутган, тарикатни ҳам тўғри нақл этган, ҳақиқат бобида эса солиқларга қуловуз”, “илмал яқинда доно, айнал яқинда бино, ҳаққал яқинда гўё” бўлган бир зот сифатида тилга олинади. Айни вақтда у “Муҳаббатнинг бозори, маърифатнинг гулзори”, “Ошиқларнинг сирри асрори”дир. Шундан сўнг шоир пайғамбар алайҳиссаломнинг Арслонбобга Хожа Аҳмадга етказиш учун хурмо бериши воқеасини нақл этади. Кейин тўрт юз йил кечиб, Арслонбоб Яссига келгани, ёш Аҳмадни мактаб йўлида учратиб, унга омонатни бергани ва тез фурсатда охиратга рихлат этгани марокли бир тарзда тасвирланади².

Маълумки, Арслонбобнинг қабри Ўтрорда жойлашган. Бу улуғ зотнинг қабри ҳам улуғ саркарда Амир Темур бобомиз томонидан қурилганлиги эътиборга лойиқдир. Ривоят қилинишича, Амир Темур Аҳмад Яссавий қабри устига муҳташам мақбара қуришга ният қилибди. Лекин буюк жаҳонгир ҳарчанд уринмасин, қурилган бино ҳар кеча номаълум сабабларга кўра бир хўкиз тарафидан бузилаверибди. Бир куни тушида аввал Хожа Аҳмаднинг устози Арслонбобга, ундан кейингина шогирди Хожа Аҳмадга мақбара қуриши лозимлиги билдирилади. Шундан сўнг Амир Темур Арслонбобнинг Ўтрордаги мозори устига мақбара қурдирган экан³.

А.Мўминовнинг қайд этишича, тарихда Арслонбоб номи билан машҳур бўлган икки шахс ўтган. Бири Аҳмад Яссавийнинг устози бўлиб, унинг қабри Жанубий розоқистондаги Шаулдер (эски Ўтрор) посёлкасида жойлашган. Унинг шахсияти сув манбалари (масалан, «Уғроқ-Арслон суйи», «Арслонлиғ ариғ» каби канал номлари) ва табиат кучлари («Арслон бобо шамоли» каби мавсумий шамоллар) билан боғлиқ. Иккинчиси эса ҳозирги Қирғизистон Республикаси

ма» (Культ святых и суфизм в Средней Азии и на Кавказе), Москва, 2003, стр. 117-153.

1. Hamid Algar, Arslan Baba // TDV Islam Ansiklopedisi, c.3, Istanbul, 1991. S. 400.

2. “Девон хикмат”, Қўқон нусхаси, 172 ыарак.

3. Этнограф А. Диваев ҳам текширишлар натижасида Арслонбоб қабрининг Ўтрорда эканини ёзади (А. Диваев. Из области киргизских верований (баксы, как лекарь и колдун) Этнографический очерк. Казань, 1899, стр. 6; А. Диваев, Этнографические материалы (III. Демонологические рассказы: Баксы) Сборник материалов для статистики Сырдаринской области, выпуск V, Ташкент 1896, стр. 36).

худудидаги Жалолобод шаҳри яқинида қабри жойлашган Арслонбоб бўлиб, бу ерга шифо талабида келадиган зиёратчиларнинг кети узилмайди¹. Ҳ.Алгар эса «Арслонбобнинг Ўшга яқин Бозорқўрғон деган жойда ҳам қабри бор», деб ёзади². Бу мақбарани 1964 йил совет ҳукумати вакиллари буздириб ташлаган бўлса-да, ҳали-ҳануз муқаддас қадамжо сифатида халқ томонидан зиёрат қилинмоқда. Дарҳақиқат, Сайрам ва Туркистон аҳолиси орасида Арслонбоб култи кенг тарқалган. Буни мазкур худудда машҳур бўлган:

Сарёмда бор сонсиз боб, боблар боби Арслонбоб,
Туркистонда туман боб, шаҳри Сарём эмасму...
Туркистонда ўн минг боб, сиздан мадад тиларман,
Сайрамдаги сонсиз боб, Ўтрордаги ўттиз боб.
Энг буюги Арслонбоб, сиздан мадад тиларман,
Энг улуғи Арслонбоб, энг кичиги Олачақоф,
Сигноқ ота авлиё, сиздан мадад тиларман.
Жуйрук отдай чудайман, Сайрамда бор сонсиз боб,
Туркистонда туман боб, энг улуғи Арслонбоб³, -

каби халқ шеърларидан ҳам билиш қийин эмас. Шунинг учун бўлса керак маҳаллий халқ орасида Хожа Аҳмад Яссавий хузурига боришдан аввал Арслонбоб мақбарасини зиёрат қилиш керак деган анъана сақланиб қолганки, бу хусуслар Арслонбобнинг нечоғли буюк шахсият бўлганлигини кўрсатади.

Маълумки, қадимги даврларда «боб», «бобо», «ота» каби атамалар шайх, валий ва пирларга нисбатан ишлатилган. Буюк сўфийларнинг исмларига кўшиб айтиладиган «боб» сўзи арабчада «эшик» маъносини билдиради⁴. «Арслонбоб»даги «боб» сўзидан ҳам бу зотнинг ўз минтақасида нечоғли улуғ зот бўлганлигини билиш мумкин.

Илмда «Арслон» номи Арслонбобнинг исми эмас, балки лақабидир, чунки «арслон» - Ислом тарғиботи учун курашганларга қўйиладиган бир куня бўлганлиги Ислом-тасаввуф тарихидан маълум, деган қарашлар ҳам мавжуд. Чунончи, турк олими доктор М.Шакарнинг фикрича, арслон - куч-қувват ва жасорат тимсоли бўлиб, Ислом дини тарғиботида фаолият кўрсатган Али, Ҳамза каби шижоатли саҳобаларга ҳазрати пайғамбар «Худонинг арслони», «Аллоҳнинг шери» дея лақаб қўйган эканлар. Шу боис арслон мотиви Исломият тарқалаётган узоқ ўлкаларга ҳам етиб борган ва маҳаллий адабиётларда қўлланилган⁵. Балки шунинг учун Аҳмад Яссавий улуғ устозини:

1. А.Муминов, Арслан-боб // Ислам в территории бывшей Российской империи, Энциклопедический словарь, выпуск 3. Москва, 2001, стр.15.

2. Ҳ.Алгар, ўша мақола, 400-бет.

3. А.Диваев, мазкур мақолалар, 26-27, 4-7 бетлар.

4. Бу ҳақда қаранг: Ali bin Osman Hucviri, Kesful-mahcub, Istanbul, 1996, s. 355; Алишер Навоий. Муқаммал асарлар тўплами. Йиғирма жилдик. Ўн еттинчи жилд, Насойим ул-муҳаббат. Тошкент, 2001, 198-бет; Бартольд Е.Э. Сочинения, Т.5, стр.119.

5. Doc.Dr. Mehmet Seker, Ahmed Yesevi'nin hayatinda Arslan Baba meselesi // Milletlerarasi Hoca Ahmet Yesevi Sempozyumu, 26-29 Mayıs 1993, Kayseri.

Иймон учун жон тортқон, Ислом учун тиг урғон,
Мавлом ризосин олғон боблар боби Арслонбоб, -
дея мадх этгандир¹.

Бу борада доктор И.Ҳаққул шундай ёзади: «Арслон халқ тасавурида куч-қудрат, энгилмас журъат ва жасорат тимсоли бўлган. Лекин у фақат жисмоний куч соҳиблари учун қўлланиладиган тимсол бўлмасдан, маънавий-руҳоний куч соҳиблари ҳам арслонга ўхшатишган»².

Дарҳақиқат, шундай. Чунки қадимги туркийларда маъно эранларига хурмат кўрсатишнинг нишони сифатида уларга арслон сурати тасвирланган олтин тахт ясаб берилган экан... Бундан ташқари инглиз тасаввуфшунос олими Ж. Трименгем яссавийлик анаъанасининг илк бошданоқ мутлақо туркий замин асосида ташкил этилганлигини ҳам Арслонбоб билан боғлайди³. Олимнинг бу фикрида жон бор. Чунки Абулғозий Баҳодирхоннинг «Шажараи тарокима»сида ёзилишича, Ўғуз қабилаларида Арслонхон, Алпарслон, Қилич Арслон каби отлар учрайди. Шунингдек, турк мифологиясидан ўрин олган ва туркий-исломий адабиёт намуналарида ҳам учраб турадиган арслон мотиви турк-ислом давлат арбоблари орасида расмий ва ҳуқуқий бир тимсол сифатида қўлланилган экан...

Баъзи олимлар Арслонбобни яна бир машҳур саҳоба Салмони Форсий билан ҳам боғлайдилар. Бу боғлиқликнинг асосида Салмони Форсийнинг икки юз, уч юз, ҳатто беш юз эллик уч йил яшаганлиги ҳақидаги ривоятлар билан Арслонбобнинг тўрт юз ёки етти юз йил яшаганлигига доир ривоятлар ётади⁴.

Хуллас, Арслонбобнинг ҳазрати пайғамбардан Хожа Аҳмадга хурмо ва хирқа олиб келиши, беш юз йилга яқин умр кечирганлиги нақадар манқабавий характерга эга бўлмасин, манбалар ва тадқиқотлар асосида Арслонбобнинг Хожа Аҳмаднинг устози ва туркий халқлар орасида кенг шухрат қозонган сўфий ҳамда тарихий шахс бўлганлигини эътироф этиш лозим.

1. Девони хикмат. Адабиёт музейи, № 178, 55 а варак.

2. И.Ҳаққул. Аҳмад Яссавий, Тошкент, 2001, 7-бет.

3. Дж. С. Трименгем, Суфийские ордена в Исламе, Москва, 1989, стр. 54.

4. Orhan Saik Gokuyay, Dedem Korkudun Kitabı, Istanbul 1993, CXXXVI; Osman Fikri Sertkaya, Nehcul Feradis'te ve Ahmed Yesevi hikmetlerinde Selman-i Farisi/Arslan Baba Menkibeleri // Milletlerarasi Hoca Ahmet Yesevi Sempozyumu Bildirileri, 26-27 Eylül 1991, Ankara; Н.Нурмухаммедов. Мавзолей Ходжи Ахмеда Ясеви, Анкара, 1991, стр. 59.